

**“URGANCH EKSKAVATOR” aksiyadorlik jamiyati**  
**юқори бошқарув органининг 18 – сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2019 йил “30” июнь

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун, шунингдек жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши, ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Урганч экскаватор” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳисобланади.

**1. Жамият бош директорининг 2018 йил фаолияти яқунлари юзасидан ҳисоботини кўриб чиқиш, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботларни тасдиқлаш.**

**2. Жамиятнинг 2018 йил молиявий фаолият яқунлари юзасидан ташқи аудиторлик ташкилоти "Nazorat audit" МЧЖ нинг аудит текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.**

**3. Жамият тафтишчисининг 2018 йил фаолияти яқунлари юзасидан текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.**

**4. Кузатув кенгаши ҳисоботини кўриб чиқиш.**

**5. Жамиятнинг 2018 йилги соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш.**

**6. Жамият кузатув кенгаши аъзолари, тафтишчи, корпоратив маслаҳатчи, ижроия органи раҳбари ва жамият бош ҳисобчисига рағбатлантириш ажратиш тўғрисида.**

**7. Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш масаласини кўриб чиқиш.**

**8. Жамият тафтишчисини тайинлаш масаласини кўриб чиқиш.**

**9. Жамиятнинг 2019 йил фаолияти учун ташқи аудиторни, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил баҳоловчи ташкилотни ва халқаро аудит стандарти бўйича аудиторни тайинлаш тўғрисида.**

**10. Жамият ижроия органи аъзоларини тайинлаш масаласини кўриб чиқиш.**

*1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича, жамият бош директори в.б. Беязов М.С. сўзга чиқиб, жамият 2018 йилда 5 879 600 минг сўмлик маҳсулот сотилган. Бошқа манбалардан 367 114 минг сўмлик даромад олиниб, сотилган маҳсулот тан нархи 4 470 898 минг сўмни ташкил қилади. Давр харажатлари 1 409 510 минг сўмни ташкил қилди, шулардан: маъмурий харажатлар 970 588 минг сўмни, бошқа операцион харажатлар 438 922 минг сўмни ташкил*

килади. Давр харажатларнинг ошиб кетилишига 420 000 минг сўмга худудни ободонлаштириш, 265 000 минг сўмга жамият акциясининг бозор нархини белгилаш бўйича шартномалари асосий сабаб бўлмоқда. Умум хўжалик фаолиятнинг молиявий натижаси бўйича 366 306 минг сўмлик фойда олинган. Ушбу давр мобайнида жамият ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлиб, ҚҚС ва фойда солиғи ҳисобланлмаган. 2018 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари юзасидан 50 254 минг сўм соф фойда олиш билан яқунланган (*ҳисобот, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлар илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият бош директорининг 2018 йил фаолияти яқунлари юзасидан ҳисоботи, Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботлари тасдиқлансин.

**2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича,** "Nazorat audit" МЧЖ аудитори Назаров Б.Н. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йил молиявий фаолият яқунлари юзасидан ижобий фикирни ифодаловчи аудит ҳулосасини ўқиб эшиттирди (*аудит ҳулосаси илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамиятнинг 2018 йил молиявий фаолият яқунлари юзасидан ташқи аудит, "Nazorat audit" МЧЖ нинг аудит текшируви ҳулосаси тасдиқлансин.

**3. Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан,** жамият тафтишчиси Джуманиязов Ф.А. сўзга чиқиб, 2018 йил фаолияти яқунлари юзасидан текширув ҳулосаси билан таништириб ўтди. (*жамият тафтишчисининг ҳулосаси илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият тафтишчисининг 2018 йил фаолияти яқунлари юзасидан текширув ҳулосаси тасдиқлансин.

**4. Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан,** жамият кузатув кенгаши аъзоси Одилов Ф.Б. сўзга чиқиб, 2018 йил давомида кузатув кенгаши амалга оширган ишлар билан таништирди. Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади. Ўтган йил давомида кузатув кенгаши ўнта мажлис ўтказди (*кузатув кенгаши ҳисоботи илова қилинади*). Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият кузатув кенгаши ҳисоботи тасдиқлансин.

**5. Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан,** жамиятнинг 2018 йилги соф фойдасини 5% захира фондига, 95% жамият ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириш масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамиятнинг 2018 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамият соф фойдасини 5% захира фондига, 95% жамият ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилсин.

**6. Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан**, , жамият кузатув кенгаши аъзоси Олламов А.Я. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2018 йил фаолияти якунлари муваффақиятли амалга оширилганлигини, бу борада корпоратив бошқарув тизими самарали ташкил этилгани, олиб борилган сиёсат тўғри эканлигини, жамият кузатув кенгаши мажлислари ўтган йилларга нисбатан кўпроқ бўлсада натижаларга эришилганини таъкидлаб ўтди. Жамият кузатув кенгаши аъзолари, тафтишчи, корпоратив маслахатчи, ижроия органи рахбари ва бош ҳисобчиларга энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баробари миқдорида рағбатлантириш ажратиш масаласини кузатув кенгаши томонидан маъқулланганини таъкидлаб ўтди. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият кузатув кенгаши аъзолари, тафтишчи, корпоратив маслахатчи, ижроия органи рахбари ва бош ҳисобчиларга энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баробари миқдорида рағбатлантириш ажратилсин.

**7. Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан**, жамиятнинг 2019 йил фаолияти юзасидан кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар: Отажонов Кахрамон Отажонович; Одилов Фаррух Баходирович; Олламов Алишер Ярашович; Тойчибоев Улуғбек Нематиллаевичлар жамият кузатув кенгаши томонидан маъқулланган. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига Отажонов Кахрамон Отажонович, Одилов Фаррух Баходирович, Олламов Алишер Ярашович, Тойчибоев Улуғбек Нематиллаевичлар тасдиқлансин.

**8. Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан**, жамиятнинг 2019 йил фаолияти юзасидан жамият тафтишчисилигига номзод Джуманиязов Фаррух Алишеревич кузатув кенгаши томонидан маъқулланган. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият тафтишчисилигига Джуманиязов Фаррух Алишеревич номзоди тасдиқлансин.

**9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан**, жамият бош директори в.б. Беязов М.С. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил фаолияти учун ташқи аудиторлик ташкилотлари, корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил баҳоловчи ташкилотни ва халқаро аудит стандарти бўйича аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган тижорат таклифлари кузатув кенгаши томонидан маъқулланганини таъкидлаб ўтди. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамиятнинг 2019 йил фаолияти учун:

- ташқи аудиторлик ташкилоти: “XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ – 26 000 000 сўм;

- корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил баҳоловчи ташкилот: “Global Deposit” МЧЖ – 3 000 000 сўм;

- халқаро аудит стандарти бўйича аудиторлик ташкилоти: “NAZORAT AUDIT COMPANY” МЧЖ – 25 000 000 сўм номзодлари тасдиқлансин.

**10. Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан,** жамият ижроия органи аъзолигига: Бош директор (бошқарув раиси) – Беязов Максуд Султанбекович; Ишлаб чиқариш ва техник ривожлантириш бўйича директор (бошқарув аъзоси) – Худайберганов Сардор Давлатярович; Молия ва инвестициялар бўйича директор (бошқарув аъзоси) – Бабаджанова Олеся Романовналарнинг барчасини вазифасини бажарувчи этиб тайинаш масаласи кузатув кенгаши томонидан маъқулланган. Кун тартибидаги ушбу масала бўйича жамият ягона акциядори томонидан **қарор қабул қилинди:**

Жамият ижроия органига номзодларнинг барчаси билан: Бош директор (бошқарув раиси) – Беязов Максуд Султанбекович; Ишлаб чиқариш ва техник ривожлантириш бўйича директор (бошқарув аъзоси) – Худайберганов Сардор Давлатярович; Молия ва инвестициялар бўйича директор (бошқарув аъзоси) – Бабаджанова Олеся Романовналар билан меҳнат шартномаси вақтинча бажарувчи сифатида тузилсин.

**Жамият ягона акциядори  
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**

**Х.Н. Хасилов**